□□□□□□□ □□□□□□□ □□□□□ □□□□□□ □□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□□□□□ □□□□□ □□□□ □□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□□□□□ □□□□□ □□□□□□□□□ □□□□□□□□ «□□□□□□□ □□□□ □□□□□□□□□ □□□□□□□ □□□□□□□» :□□□□□□□ □□□□□□□ □□□□□□□□□ □□□□□ □□□□□□□□□ □□□□□ □□□□□ □□□□□□ □□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□» :□□□□□□□ □□□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□□□□□ □□□□□□□□□» :□□□□□□□ □□□□□□□□ «□□□□□□□ □□□□ □□□□□□□□□ □□□□□□□ :□□□□□□□ «□□□□□□□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□ □□□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□□ □□□ □□□□□□□ □□□□□ □□□□□□□□□ □□□□□□□□□ □□□□□ □□□□□□ □□□□□» □□□□□□□□ □□□□□□□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□ □□□□□ □□□□□□□□□ □□□□ □□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□ □□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□ □□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□ □□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□□□□□□ □□□□ □□□□) «□□□□□□□□□ □□□□□□□□□ □□□ □□□□□□ □□□□□□□□).

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам масжидга кирдилар. Бир киши ҳам масжидга кириб намоз ўқиди-да, сўнг келиб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга салом берди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам саломига алик олиб: «Боринг, намозингизни қайта ўқинг, сиз намоз ўқимадингиз», дедилар. У киши қайтди ва аввал қандай намоз ўқиган бўлса, шундай намоз ўқиди, сўнг келиб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга салом берди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам яна: «Боринг, намозингизни қайта ўқинг, сиз намоз ўқимадингиз», дедилар. Мана шу ҳолат уч марта такрорлангач, ҳалиги киши: «Сизни ҳақ билан жўнатган Зотга қасамки, мен бундан яхшироқ намоз ўқишни билмайман, менга ўргатинг» деди. Шунда ул зот: «Агар намозга турсангиз (такбиратул-эҳромга) такбир айтинг, сўнгра Қуръондан муяссар бўлганича ўқинг, сўнгра рукуъ қилинг ва рукуъда хотиржам туринг, сўнгра рукуъдан бошингизни кўтаринг, қоматингиз тик бўлсин, сўнгра сажда қилинг ва

Copyright 2022 • **Ислом Нури** • www.islomnuri.com

саждада хотиржам туринг, сўнгра бошингизни саждадан кўтариб, хотиржам ўтиринг ва барча намозингизни шу зайлда ўқинг», дедилар.

:□□□□□ □□□□□□ □□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□ □□□□ □□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□ □□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□ □□□□□□□□□□□□□ □□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□ □□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□ □□□□□ □□□□□□□□□□□□□ □□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□□ □□□□□□□ □□□□□ □□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□□□□□□□ □□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□ □□□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□ □□□□□□ □□□□□□□□□□□□□□□□□ □□□ □□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□□ □□□□□□□□□□□□ □□□ □□□□□□ □□□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□) □□□□□□□□□□□□□ □□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□□ □□□□□□□).

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Абу Ҳумайд ас-Соъидий розияллоҳу анҳу айтади: Кўрдимки: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам (намозда такбиратул-эҳромга) такбир айтганларида икки қўлларини икки елкалари баробарида кўтарар эдилар. Рукуъ қилганларида икки қўлларини икки тиззаларига маҳкамлаб қўярдилар, сўнг белларини бир текис букардилар. Бошларини (рукуъдан) кўтарганларида қад ростлаб турардилар, ҳатто умуртқанинг ҳамма суяклари ўз ўрнига қайтарди. Сажда қилганларида икки қўлларини тўшамаган ва (ёнларига) қисмаган ҳолда қўярдилар ва икки оёқлари бармоқларининг учини қиблага қаратардилар. Икки ракъатдан кейин ўтирсалар чап оёқларига ёзган ҳолда ўтириб, ўнг оёқларини тиккалардилар. Охирги ракъатда ўтирсалар чап оёқларини ўнг оёқ остидан чиқариб, ўнг оёқларини тиккалардилар ва думбаларига ўтирардилар.»

Copyright 2022 • **Ислом Нури** • www.islomnuri.com

□□□□□□□ □□□□□□□ □□□□□ □□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□ □□□□□□□□□ □□□□□□□□□□□□□ □□□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□ □□□□□□ □□□□□ □□□□□□□ □□□□□□□ } □□□ □□□□□□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□ □□□□□□ □□□□□ □□□□□□□ { □□□□□□□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□ □□□□□ □□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□□□□ □□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□□ □□□□ □□□□□□□□□□□ □□□□ □□□□□□ □□□□□□□□ □□□□ □□□□□□□□□□□ □□□□ □□□□□□□□ □□□□□□ □□□□□ □□□□□□□□□□□□□ □□□□□ □□□ □□□□□□□ □□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□□ □□□□□□□□□ □□□□□□□□□ □□□□□□□ □□□□□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□ □□□□□□□ □□□□□□□ □□□□□□□□□ □□□□□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□□□□□ □□□□□□□□□ □□□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□ □□□□□□□□□□ □□□□ □□□□) □□□□□□□□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□□□□□ □□□□□□□ □□□□□□□□□□).

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Оиша розияллоҳу анҳо шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам намозни (такбиратул-эҳромга) такбир айтиш ва “Алҳамду лиллаҳи роббил аламийн”ни ўқиш билан бошлардилар. Рукуъ қилсалар бошларини кўтариб ҳам, пастга эгиб ҳам юбормасдилар, балки шу икки ҳолатнинг ўртасида қилардилар. Рукуъдан бош кўтарсалар, қадларини тўла ростламагунча саждага бормас эдилар. Саждадан бош кўтарсалар, тўғри, текис ўтирмаганча иккинчи саждага бормас эдилар. Ҳар икки ракъатда ўтирганда “Ат-таҳийёт”ни айтардилар, чап оёқларини тўшаб, ўнг оёқларини тиклар эдилар. Намозда «уқбатуш-шайтон»дан (яъни болдир ва сонларни тиклаган ҳолда қўлларни ерга тираб ўтиришдан) ва тирсакларни ҳайвонлар каби ерга тўшашдан қайтарардилар. Намозни салом билан тугатар эдилар.

Шарҳ:

Рукуъ ва саждалар намоз рукнларидан бўлиб, уларни унутиб ё қасддан

тарк қилган кишининг намози намоз бўлмайди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам намозининг рукнларини тўлиқ бажармаган кишига: “Боринг, намозингизни қайта ўқинг, чунки сиз намоз ўқимадингиз” деб мазкур аҳкомларни ўргатганлар.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. Рукуъ ва саждалар намознинг рукнларидан.
2. Рукуъда бел бош билан баробар текис туриши ва қўл тиззада маҳкам туриши суннат.

Copyright 2022 • **Ислом Нури** • www.islomnuri.com